

## Рўза тутган мусулмон мусобақа қатнашчисидир



12:53 / 01.03.2025 1557

Меҳмонни чиройли кутиб олиб, ҳурматини жойига қўйган банда муҳаққак зафар қучгувчидир...

Рамазон бизларнинг тайёргарлигимизни, уни қандай қарши олиб, нималар тақдим этганимизни Яратганга етказувчи элчидир. Шундай экан, уни иззат-икром қилайлик! Биздан мамнун бўлган меҳмонгина тақво аталмиш ҳадясини тухфа этади...

Аксинча бўлса-чи?! Меҳмонига бепарво бўлиб, уни хурсанд қила олмаган, бошқа ишлар билан оввора бўлганлар аниқ ютқазади. Натижада Роббининг унга сийлаб юборган меҳмони норози бўлади ва совғасини ўзи билан қайтариб олиб кетади. Энг ачинарлиси эса у бундай инсонлардан ўз

Роббига шикоят қилади...

Кимки Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини  
эъзозласин, ҳурматини бажо келтирсин!

Мусулмонлар катта мусобақани бошлаганлар, бунинг – натижаси охиратда  
эълон қилинадиган мусобақа!

Рўза тутган мусулмон борки мусобақа қатнашчисидир. Мукофот эса – Аллоҳ  
таолонинг раҳмати... Розилиги... Жаннати...

Мусобақанинг битта шарти тақво, қўшимча шартлари жуда кўп: рўза,  
Қуръон тиловати, таровеҳ намози, ота-онага яхшилик, истиғфор, дуо,  
тахажжуд, эҳсон, ифторлик қилиб бериш ва ҳоказо...

Мусобақа бир ой давом этади. Ғанимат фурсатларни қўлдан бой берманг,  
энг олий мукофот сизники бўлиши мумкин!!!

**«Рамазон соғинчи» китобидан**